

## ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Улжон Утемуратова Сагидулла қизи**

Бердақ номидаги Қарақалпоқ давлат университети Юриспруденция  
йүналиши

**Аннотация:** Шахс амалга оширган харакатида жиноят аломатлари мавжуд булса жавобгарликка тортилади. Ушбу мақолада жиноий қилмишнинг бошқа шахслар билан биргаликда содир этилиши, ахамияти ва бунинг учун қандай жавобгарлик белгиланиши, шунингдек статистик маълумотларга таяниб, инобатта олиниши лозим булган холатлар келтириб утилган. Бундан ташқари жиноят хақида била туриб тегишли органларга хабар бермаслик холатига хуқукий жиҳатдан баҳо берилган.

**Калит сувзлар:** ижтимоий хавфли қилмиш, жиноятда иштирокчилик, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, рухий ёрдамчилик, жисмоний ёрдамчилик, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гурух, жиноий уюшма, такроран жиноят содир этиш, ута хавфли рецидивист, индивидуал ва колектив жавобгарлик

Биламизки, қонун билан таъқиқланган ижтимоий хавфли қилмиш ҳар доим ҳам фақат битта шахс томонидан содир этилавермаслиги ачинарли, шу билан бирга, жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳолатдир.

Амалдаги жиноят қонунига мувофиқ, жиноятда иштирокчи бўлиш учун, қасдан содир этиладиган жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахс биргалашиб қатнашиши мұхимдир ва бу иштирокчилик тушунчасининг аник таърифи келиб чиқиши учун зарур шарти хисобланади. Иштирокчилар жиноят содир этишга турли йуллар билан ўз ҳиссасини қўшади. Масалан, уларнинг бири иштирокчиларнинг барини йиғиб жиноий харакатларни мувофиқлаштиради, иккинчиси бунинг учун етарли шароитлар яратиб беради, бошқаси уни содир этади, тўртинчиси эса жиноят изларини яшириб, унинг оқибатларини ошкор қилмаслик учун олдиндан ваъда берган ҳолда бошқа шерикларига ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 28-моддасида жиноят иштирокчиларининг ҳар бири биргаликда содир қиладиган қилмишидаги асосий рўлларидан келиб чиқиб иштирокчиликнинг турлари келтириб утилган.[1] Ўнга мувофиқ, агар шахс Жиноят Кодекси

Махсус қисмининг тегишли моддасида келтириб ўтилган жиноятни тўлиқ ёки қисман содир этган ёки содир қилган жинояти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда тамом бўлмаган ёхуд оқибат юз бермаган бўлса, шунингдек, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс “бажарувчи” ҳисобланади. Шу ерда битта савол туғилади: жиноят содир қилинадиyo, лекин жавобгарликка тортилмайдиган шахслар кимлар? Муайян жиноят содир этгунга қадар жавобгарлик ёшига тўлмаган вояга етмаган шахслар ёхуд жиноят содир этилиши вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган шахслар жавобгарликка тортилмайди, лекин уларни жиноятга ундан шахс бажарувчи сифатида тавсифланади.[2]

Жиноят содир этганлик учун, қурол ёки воситалар кимнинг эгалигида бўлишидан қатъи назар, улардан фойдаланиб жиноят содир этган шахсгина жавобгарликка тортилади. Муайян жиноий ниятга эришиш мақсадида режа тузиб, иштирокчилар орасида вазифа тақсимлаш орқали уларни танлаб, йул-йўриқлар кўрсатувчи энг хавфли иштирокчи бу - жиноят “ташкилотчи”си ҳисобланади. Яъни, жиноятни қандай содир қилиш ҳақидаги турли ғоялар ташаббускори бўлиб, иштирокчиларни бирлаштириб уларни маълум бир режа асосида фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деп топилади.

Жиноят иштирокчилари орасида “далолатчи” айниқса ажралиб туради, чунки унинг вазифаси қасдан шахсни жиноят содир этишга турли үсуллар орқали қизиқтириш ҳисобланади. Далолатчилик бирор шахсни ўзига оғдириб, илтимос қилиши ёки алдаб уни ўз ҳаракати натижасида маълум фойдага ёки улушга эга бўлишга ишонтириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиликнинг тўртинчи тури бу- жиноятда “ёрдамчи” бўлиб, у воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан бажарувчига яқиндан кўмак беради. Ёрдамчилик иккита шаклда бўлиши мумкин: рухий ёрдамчилик ва жисмоний ёрдамчилик. Рухий ёрдамчиликда кўпинча ишонтириш орқали бажарувчининг қасдан қилинадиган ҳаракатлари жиддийлашиб боради. Яъни ёрдамчи деганда, жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари билан кўмаклашиб, жиноятчини, жиноят излари, қурол ва воситаларни ёхуд жиноий йул билан қўлга киритилган бошқа нарсаларни яшириш, олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда берган шахс тушунилади. Агар жиноятни яширишга олдиндан ваъда берилмаган бўлса, унда улар иштирокчилар сифатида эмас, балки, жиноятга дахлдор бўлган шахслар сифатида

баҳоланиши лозим. Айнан шунинг учун ҳам олдиндан ваъда бериш аҳамиятли ҳисобланади, чунки ваъда бериш жиноят содир қилишдан олдин ёки содир этиш пайтида амалга оширилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, жиноятда иштирокчиликдан шакллари ҳам мавжуд бўлиб, бир неча шахсларнинг биргаликда олиб борадиган ҳаракати тушунилади. Улар оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гурӯҳ ёки жиноий уюшма шаклида бўлади.

Оддий иштирокчиликда икки ёки ундан ортиқ шахслар олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашадилар. Масалан, эшиги очиқ қолдирилган дўконга бир шахс ўғирликка тушади, иккинчи бегона бир киши буни кўриб қолади ва у ҳам дўкондан нарса ўғирлайди. Бу ҳолатда бир кишининг ишини иккинчи (кўп ҳолларда бир-бирини танимайди) шахс давом эттиради.

Мураккаб иштирокчилик эса, оддий иштирокчиликнинг бутунлай тескариси бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахслар олдиндан тил бириктириб, жиноят содир қилиши учун вазифалар уларнинг ўртасида тақсимланиши билан фарқ қиласди. Олдиндан тил бириктириш иштирокчилар ўртасида бирор ижтимоий хавфли бўлган қилмишни содир этиш юзасидан келишув орқали амалга оширилиб, оғзаки ёзма ёки бошқа шартли белгиларда ифодаланади.

Иштирокчиликнинг учинчи шаклини жиноий фаолият олиб бориш мақсадида икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир гурӯҳга бирлашишини назарда тутувчи уюшган гурӯҳ ташкил этади. Унинг алоҳида белгиси доимий фаолият олиб боришидадир, шунга қарамасдан унинг иштирокчиларининг ҳаракатлари олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилишдан фарқ қиласди. Яъни мураккаб иштирокчилик фақат бир марталик тажовузга йўналтирилган бўлса, уюшган гурӯҳ фаолияти жиноятни бир неча марта содир этишга қаратилган бўлади.

Бир неча уюшган гурӯҳлар жиноий мақсадга эришиш учун ягона ташкилий бошқарувга бирлашса, улар иштирокчиликнинг тўртинчи энг ҳавфли шакли бўлмиш жиноий уюшмани пайдо этишади. Жиноий уюшма иштирокчилари жиноят содир этган ёки этмаганлигидан қатъи назар, унинг биринчи босқичидаёқ жиноий жазога тортилиб тузилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

Ва ниҳоят, жавобгарлик масаласига келсак, жиноят содир этишда қатнашган ҳар бир иштирокчи ўзи содир қилган қилмиши учун мустақил жавоб беради ҳамда улар колектив жавобгарликка тортилмайди. Суд жиноят содир қилган шахсга жазо тайинлашда Жиноят Кодексининг “одиллик” принципига таянган ҳолда жиноятнинг оғирлиги айбнинг ва

шахснинг хавфлилик даражасини эътиборга олиб, шунингдек жазони ёнгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тайинлаши лозим. Та什килотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам Жиноят Кодекси Маҳсус қисмининг жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилади, фақатгина уларнинг жиноий ҳаракати тугатилган бўлиши керак. Агар, бажарувчининг ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бошланмасдан олдин тўхтатилса ёки оҳирига етказилмаса жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суюқасд қилганлик учун жавобгарлик келиб чиқиши мумкин.

Иштирокчиларнинг жазосини индивидуаллаштириш маълум қоидаларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Масалан, талончилик жиноятини олиб қарайдиган бўлсак, такрорийлик белгиси фақат уни такроран содир этган шахсга ўта хавфли рецидивист белгиси жиноят содир этгунга қадар суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсагина тегишли бўлади. Шунингдек, олдиндан тил бириктирган гурӯҳ уюшган гурӯҳ ёки жиноий уюшма ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортилади деб белгиланган. Айнан бу норма ҳар бир гурӯҳ аъзоси олдиндан келишув асосида содир қилган жиноятида қай даражада иштирок этганлигини яққол белгилаб беради ва жиноятни квалификация қилиш учун зарур ҳисобланади. Чунки иштирокчилар фақат содир этилишида ўзлари қатнашган жинояти учун эмас, балки жиноятга тайёргарлик кўрилаётганда қатнашса ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундан ташқари, уюшган гурӯҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар амалда бошқа аъзоларнинг ҳаракатлари учун гарчи улар ўз гурӯҳлари ёки уюшманинг манфаатини кўзлаб содир этилган бўлса ҳам жавобгарликка тортиладилар. Бунинг яна бир муҳим шарти, айнан ташкилотчи ёки раҳбарнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлиши лозим, сабаби уюшган гурӯҳ ёки жиноий уюшманинг бир аъзоси қилмишнинг ижтимоий хавфли ҳусусиятини англаб уни бажармаслиги колектив жавобгарликни истисно қиласди. Яъни, кимнинг нияти билан қамраб олинган бўлса ўша жавобгар бўлади.

Бунга мисол тариқасида, агар ўғирлик қилиш учун уюшган гурӯҳ аъзолари тил бириктириб келишган ҳолда дўконга ўғирликка тушади, кейин эса иштирокчилардан бири бошқалар билан бирга жиноят жойини тарқ этиш ўрнига дўкон эгасининг қўлидаги тилла соатини олиш

мақсадида унинг баданига өнгил шикаст етказади. Мазкур ҳолатда, у ўғрилик (Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг тегишила банди бўйича) ва босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддаси бўйича) жинояти учун бажарувчи сифатида, бошқа иштирокчилар эса фақат ўғрилик жинояти учун жавобгарликка тортилади. Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилари жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиш имконияти мавжуд бўлиб, улар содир этмоқчи бўлган жиноятнинг олдини олиши мумкин. Масалан, ҳокимият органларига хабар бериш, бажарувчини жиноят содир этмасликга кўндириш ёки ёрдамчини бажарувчига кўмаклашмасликка кўндириш, жабраниши мумкин бўлган шахсни ўз вақтида огоҳлантириш.

Жиноят иштирокчилари орасида ёрдамчи ҳаракатсизлик билан ҳам жиноятдан ихтиёрий қайтиши мумкин. Бироқ унинг ҳаракатсизлиги айнан шу вазиятдан келиб чиқсан ҳолда бўлиши керак (жиноят изларини яширмаслик), агар у ҳаракатсизлик кўринишида ёрдам беришга келишиб олмаган бўлса (компьютер кодини бузишга ваъда бериб, ваъдасини бажармаган бўлса) тан олиниши мумкин. Агар бажарувчи жиноятни охирига етказишдан бош тортса иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолатда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятг содир этишга суйқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилади, чунки бажарувчи ижтимоий хафвли қилмишни содир қилишдан бош тортди.

Юқорида келтирилганларга қўшимча равишда, жиноят қонунида жиноятга дахлдорлик тушунчаси ҳам келтирилиб ўтилган бўлиб, унинг иштирокчиликдан фарқи муайян жиноятнинг содир этилиши билан эмас, балки унинг натижасида келиб чиқсан оқибатларга нисбатан муносабати билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, жиноятга дахлдорлик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаслик, жиноятчини яшириш, жиноятга йўл қўйганликда ифодаланади. Яъни, тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ва содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилмаслик Жиноят Кодекси 1551 ва 241-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноятга дахлдорликнинг хавфлилиги жиноятни фош этишда қийинчилик туғдиради, чунки шахс жиноят бошланишидан то охирига етказилишигача бажарувчига жиноятни яшириш ҳақида ҳеч қандай ваъда бермайди, шу хусусияти билан ёрдамчиликдан фарқланади.

Жиноят Кодекси 241-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарликка сабаб бўладиган қилмишларга, жиноятчини жиноят

қурол ва воситаларини ва изларини яшириш каби ҳаракатлар киради. Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари уларнинг содир қилган жиноятини олдиннан ваъда бермаган ҳолда ҳеч кимга хабар бермаса ёки яширса жавобгарликка тортилмайди.

Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки, жиноят алоҳида бир шахс томонидан содир этилса ҳам, иштирокчиликда содир қилинса ҳам шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлса, жавобгарликка тортилади. Шу сабабли, жиноядда иштирокчилик қўшимча жавобгарликни келтириб чиқармайди, аксинча уларнинг хар бири уз қилмиши учун ўзи жавобгар булади. Иштирокчиларни индивидуал тарзда жавобгарликка тортишни самарали амалга ошириш учун қолган иштирокчилар бажарувчи билан бир хил жавобгарликка тортилишдан ташқари хар бири бажарган қилмишини хусусиятини хисобга олган ҳолда жавобгарлик белгиланиши лозим. Чунки улар жиноят содир этишда хаммаси хар хил вазифани бажаради, кимдир шунчаки хечкимга айтмасликка ваъда беради, бошқаси эса хавфли харакатлари билан жиноят содир этилишига кўмаклашади. Статистика маълумотларига кура, 2019 йилдан бўён хар йили 20 мингдан ортиқ шахс муддатидан олдин жазодан шартли озод қилинган, 10 минг атрофидаги судланувчиларнинг жазоси йенгилоғига алмаштирилади.[3] Бундай холатда жазонинг муқаррарлиги ва жазоланган шахсларни назорат қилиш имконсиздек туюлмайдими? Албатта қўпчилик холатларда муқаддам судланган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар қўлланилмаган ҳамда улар туғри хулоса чиқармаган булади. Айнан судлар томонидан қўлланиладиган жазонинг мақсади маҳкумни тарбиялаш, шунингдек янгидан жиноят содир этишининг олдини олиш хисобланади. Бунинг учун эса зарур ва етарли буладиган жазолар қулланилиши иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг сезиларли камайишига сабаб бўлиши табиий.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. 1994-йил 22-сентябрь, 28-модда <https://lex.uz/acts/-111453>
2. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шархлар. Умумий қисм. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish" 2021-йил. 260-бет.

3. <https://kun.uz/uz/48610826>